УШБУ СОНДА:

2 ЭЗГУЛИК ЭЪЗОЗИ

3 ШАЪН, ҚАДР-ҚИММАТ ВА ИШЧАНЛИК ОБРЎСИ

XXI АСР НАФАСИ — воқеалар, хабарлар, тафсилотлар

4 МУҲАББАТДАН ЯРАЛГАН НАВОЛАР

**MEZON:**

**Ошкор қилинган асарни шахсий мақсадларда муаллифнинг ёки бошқа ҳуқуқ эгасининг розилигисиз ва ҳақ тўламаган ҳолда такрорлашга йўл қўйилади, ушбу Қонуннинг 33-моддасида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.**

**Ушбу модда биринчи қисмининг қоидалари:**

**бинолар ва иншоотлар шаклидаги архитектура асарларини такрорлашга;**

**маълумотлар базаларини ёки уларнинг муҳим қисмларини такрорлашга;**

**қонунда назарда тутилган ҳолларни истисно қилганда, ЭҲМ учун дастурларни такрорлашга;**

**китобларни (тўлалигича) ва нотали матнларни репрографик такрорлашга нисбатан татбиқ этилмайди.**

**«МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚИ ВА ТУРДОШ ҲУҚУҚЛАР ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУН, 25- МОДДА**

*Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!*

# ИНСОН ва ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 31 (486)
2006 йил 8 август
сешанба

Сотувда эркин нархда

*Мустақиллигимизнинг 15 йиллиги олдидан*

## САОДАТГА ЙЎҒРИЛГАН ДИЁР

**Кўҳна ва ҳамиша навқирон Бухоро Шарқнинг дурдонасидир. Тарихи минг асрларга тенг бу улуғ масканда буюк авлиёлар, мутафаккирлар, олиму фузалолар туғилиб, камол топишган.**

**Мустақиллик йилларида бухороликларнинг амалга ошираётган бунёдкорлик ишлари Ватан равнақига салмоқли ҳисса бўлиб қўшилмоқда. Чўл бағрида Бухоро нефтни қайта ишлаш заводининг қад ростлагани чинакам мўъжиза бўлди. Корхонада нефт маҳсулотлари ва газ конденсати қайта ишланмоқда.**




Вилоятда маҳсулотларини дунё бозорига чиқараётган корхоналар сони тобора ортиб бораётир. Масалан, Бухоро туманидаги «Галаривер» қўшма корхонаси ўтган йилнинг тўрт ойи ичида 424.000 АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулотни экспорт қилган бўлса, бу йил ана шу кўрсаткични 750.000 АҚШ долларига етказиш ниятида.

— Корхонамизда ишлаб чиқарилаётган узум шиннисига талаб катта. Бу йил 12.000 тонна узумни қайта ишлашни мўлжаллаяпмиз. Вилоятимиздаги туманлар, қўшни Навоий вилояти соҳибкорлари билан 6.000 тонна хомашё сотиб олиш бўйича шартнома туздик, — **дейди корхона раҳбари Ў.Раҳматов.** — Хомашё етказиб берувчиларга 100.000 сўм бўнак ҳам тўлаб қўйганмиз. Яқин йилларда ишлаб чиқариладиган маҳсулот турларини ҳам кўпайтирамиз.

Ҳозир вилоятда 65 та қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Муҳими шундаки, бу корхоналарнинг аксариятида маҳаллий хомашёдан экспортбоп маҳсулот тайёрланмоқда. Хусусан, франциялик ишбилармонлар билан ҳамкорликда тузилган «Buhara Seed Compani» Бухоро уруғчилик компанияси қўшма корхонаси пахтани қайта ишлашга ихтисослашган. Корхонада жаҳон бозори талабларига мос юксак сифатли маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Самарали фаолият юритаётган бундай корхоналар сирасига қурилиш материаллари ишлаб чиқарадиган «Бухоро-Америка», гилам ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Бухоро-Гилам» (Англия), «Фаромаз Ком» (Эрон) қўшма корхоналарини ҳам киритиш мумкин.

Вилоятда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга қаратилган қонунлар, Президент Фармонлари, ҳукумат қарорлари изчил бажарилмоқда. Чунончи, ғаллакорлар бу йил 61,1 минг гектар ернинг ҳар гектаридан 50 центнердан зиёд ҳосил йиғиштириб олдилар. Ялпи хирмон 500.000 тоннага етказилди. Қувонарли томони шундаки, ҳосилнинг 95 фоиздан кўпроғи фермерлар улушига тўғри келди. Давлатга дон сотиш шартномаси 14 иш кунида адо этилди. Қоровулбозор туманидаги «Умар Карим», Пешкудаги «Ёқуб Фаттоев», Ромитан туманидаги «Аҳрорбобо», Жондор туманидаги «Нозима Ниёз қизи», Ғиждувон туманидаги «Шукур Тўра» фермер хўжаликларида дон ҳосилдорлиги гектар бошига 75-100 центнерга етказилди.

Бухоролик пахтакорлар бу йил 400.000 тонналик хирмон тиклаш иштиёқида енг шимариб меҳнат қилишмоқда. Бухоро иқлим шароитида қишлоқ хўжалигини об-ҳаёт билан таъминлаш мураккаб бўлиб келган. Ўтган асрнинг 60-70 йилларида қурилган 27 та насос станцияси таъмирталаб бўлиб қолганди. Шахсан давлатимиз раҳбарининг раҳнамолигида Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан маблағ ажратилиб, насос станциялари босқичма-босқич таъмирдан чиқарилди. Шунингдек, истиқлол йилларида бир неча минг километр узунликда зовурлар тозаланиб, вилоят экин майдонларининг мелиоратив ҳолати яхшиланди. Бухоро шаҳрида ҳам ёпиқ зовурлар тармоғи қайта қурилиб, кўҳна шаҳар шўр хавфидан халос этилди.

Бугунги кунда ислоҳотлар самарасини фермер хўжаликларининг фаолияти мисолида кўриш мумкин.

— Мен мана шу ернинг эгасиман, шу ер меники, у менинг оиламни, эл-юртимни боқади, деган тушунча ҳар бир деҳқоннинг эътиқодига айланди, — **дейди Ўзбекистон Қаҳрамони, Шофиркон туманидаги «Бухоро» ширкат хўжалиги раиси Азим Латипов.** — Пахтачиликдаги муваффақиятларимизнинг бош омили Юртбошимизнинг бизга кўрсатаётган беқиёс ғамхўрлиги самарасидир. Ўтган йили 391.000 тонна ҳосил етиштирдик.

*(Давоми иккинчи бетда)*

*Istiqlol va imkoniyat*

## АМНИСТИЯ:

### БАҒРИКЕНГЛИК ВА АДОЛАТ НАМУНАСИ

**Инсон учун бу дунёда энг улуғ неъмат озодликдир. Аммо мана шу ҳур ҳаётнинг, озод турмушнинг қадрига етганлар бор, етмаганлар бор. Бир марта бериладиган умрни гулдай безаб, баркамол фарзандларни тарбиялаб, эл-юрт корига камарбаста бўлиб келаётган юртдошларимиз қаторида ҳаётда яна турмуш тутуми суст, оғирнинг остидан, енгилнинг устидан юришга ўрганиб қолган, ҳою ҳавасларга иштиёқманд кишилар ҳам борки, бундай кимсалар гоҳ билиб, гоҳ билмай қонунга хилоф қилмишларга қўл уришади. Кейинги пушаймон — ўзингга душман, дейди халқимиз. Жиноят жазосиз қолмаслигини унутиб қўйганлар, шубҳасиз, қилмишига яраша қонуний жазога тортилади. Чунки қонун устуворлиги таъминланган жамиятдагина ҳаёт тинч, осойишталик барқарор бўлади.**

Хўш, кимнингдир қутқусига учиб ёки қилмиши жиноят эканини тўла англаб етмай жиноят содир этганларга жамиятимизда муносабат қандай? Келинг, шу ўринда ўзим гувоҳ бўлган бир ҳаётий воқеани сўзлаб бераман.

Бундан икки йил бурун, кеч кузнинг изғиринли кунларидан бирида шом маҳали юпунгина кийинган бир аёл тўрт нафар гўдаги билан уйимизга кириб келди. Суриштириб билдимки, бу аёл бир мактабда ўқиган қўшни қишлоқлик Т. исмли танишимнинг оиласи экан. Маълум бўлишича, танишим тумандаги бир қурилиш ташкилотида ҳисобчи бўлиб ишлаган, тажрибасизлиги туфайлими ёки бошқа сабабданми, анчагина камомадга йўл қўйиб, ҳозир иши терговда экан. Унинг аёли менинг шаҳарда маъмурий идорада ишлашим, ҳуқуқшунослигим боис, ёрдам сўраб келибди. Мен унга агар эрининг жиноят қилгани исботланса, жазо олиши муқаррарлигини тушунтиришга ҳаракат қилдим. «Агар эрингиз эҳтиётсизлик орқасидан шу ишга қўл урган бўлса, унинг қилмиши ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят, деб топилса, албатта, озод қилинади», дедим ва Президентимизнинг шу кунларда эълон қилинган **«Амнистия тўғрисида»**ги Фармони босилган газетани кўрсатдим...

Ҳали-ҳануз Фармон эълон қилинган газетани кўзларига суртиб, елкалари силкина-силкина йиғлаб турган танишимнинг аёли кўз ўнгимда. Ҳа, Президентимизнинг **«Амнистия тўғрисида»**ги Фармони билан танишим суд залидан озодликка чиқди... Бироқ инсонпарварликнинг амалий ифодаси бўлмиш бу сиёсат туфайли танишимнинг оиласига ўхшаган юзлаб оналар муқаррар тушкунликдан, фарзандлар ота ёки онадан маълум муддат айрилиб қолишдек оилавий мусибатдан сақланишди. Жамиятда адолат ва инсонийлик қарор топгани айни шу жамият кишиларини эзгуликка йўналтирадиган энг таъсирчан ва самарали қадрият эмасми?!

Адолатли жамият — кечиримли жамиятдир. Бундай жамиятда бағрикенглик тилда эмас, амалда бўлади. Бундай жамият ҳаётини тартибга солиб турадиган қонун-қоидалар, аввало, инсон манфаатларини ўзида мужассам этади.

Келинг, бир зум тасаввур қилиб кўрайлик: ўша танишимнинг билиб-билмай содир этган иқтисодий жинояти собиқ шўро даврида қандай баҳоланарди?.. Эҳтимол, у ўлим жазосига ҳукм этиларди. Ахир, йирик миқдорда давлат мулкини ўғирлаган қанча одамлар, ҳатто бегуноҳ инсонлар ҳам мустабид тузум даврида қатағонга учраб кетгани бор гапку! Чунки яқин ўтмишда давлат манфаати инсон манфаатидан, ҳатто унинг ҳаётидан устун қўйиларди. Истиқлолимиз бу бедодликларга чек қўйди!

Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганларидек, **давлатимиз адашиб хато йўлларга кириб қолган кимсаларни тўғри йўлга қайтариш учун уларга барча имкониятларни берди. Ўзининг бағрикенг, кечиримли эканини, жамиятимизнинг инсонпарварлик моҳиятини яна бир карра тасдиқлади. Чунки ана шу адашганлар ҳам ўз фарзандларимиз. Уларни элу юрт корига ярайдиган одамлар қилиб тарбиялаш ҳам бизнинг бурчимиз.**

Президентимиз жиноятга қўл урган кишига ҳам шу жамиятнинг одами, ўз фарзандларимиз, деб қараяптилар. У ҳам Ўзбекистон фуқароси, унинг ҳам оиласи, бола-чақаси бор, бундайларни ҳаётга қайтариш, тарбиялаш ҳар биримизнинг зиммамиздаги бурч эканини уқтирмоқдалар. Дарҳақиқат, йиқилганни суяш, адашган кишига тўғри йўлни топиб олишда кўмаклашиш бу — чинакам олижаноблик. Адолат ва инсонийлик, бағрикенглик ва меҳр-мурувват кўрсатиш давлатимиз сиёсатининг етакчи тамойилидир. Буни Президентимиз Ислом Каримовнинг **«Амнистия тўғрисида»**ги Фармонлари мисолида яққол кўриш мумкин. Зеро, мустақиллик йилларида Президентимиз Бош Қомусимиз — Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгилаб берилган инсонпарварлик тамойили асосида ўн етти марта **«Амнистия тўғрисида»**ги Фармонга имзо чекди.

Ўзбекистон тарихида илк маротаба 2005 йил 2 декабрда Конституциямиз қабул қилинганлигининг ўн уч йиллиги муносабати билан Президентимиз тақдимномасига биноан, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 80-моддасининг 10-бандига ва 93-моддасининг 23-бандига асосан, Олий Мажлис Сенати томонидан **«Амнистия тўғрисида»**ги қарор қабул қилинди. Мазкур қарорга кўра, Республика Жазони ижро этиш муассасаларидан жами 4076 нафар шахс суд томонидан тайинланган озодликдан маҳрум қилиш жазоларидан озод этилди. Улар орасида аёллар 327 нафарни, ногиронлар 233 нафарни, вояга етмай жиноят содир этганлар 33 нафарни ва олтмиш ёшдан ошган эркаклар 35 нафарни ташкил этади. Булардан ташқари, шаҳар ва туман ички ишлар бўлимлари жазони ижро этиш инспекцияларида жазо ўтаётган 14399 нафар маҳкумлар, тергов идоралари томонидан 1715 нафар ва суд идоралари томонидан 4425 нафар шахс жиноий жазодан озод этилди. Моддий ёрдам сўраб мурожаат этган 3848 нафар шахсга шаҳар ва туман ҳокимликлари қошидаги ижтимоий кўникма марказлари томонидан 194 миллион сўмдан ортиқ моддий ёрдам берилган ҳамда ички ишлар идоралари кўмаги билан 1048 нафар шахс ижтимоий фойдали меҳнатга йўналтирилган.

*(Давоми учинчи бетда)*

*Xabar*

## ҲУҚУҚНИ АНГЛАШ — ЎЗЛИКНИ АНГЛАШДИР

**Мустақиллик ва ҳуқуқ тушунчалари бир-бири билан узвий боғлиқ бўлиб, бу ҳар бир кишидан ҳуқуқий билим ва бурчга масъулият билан ёндошишни талаб этади.**

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг халқимиз ҳуқуқий-демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти барпо этиш йўлини танлади. Бу эса ҳуқуқий таълим ва тарбия, ҳуқуқий маданият, маънавият ва маърифат масалаларига алоҳида эътибор қаратишни тақозо этади. Жамиятда қонун устуворлиги ва ижтимоий адолат барқарорлигини таъминлаш, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш каби кўпдан-кўп муҳим аҳамиятга молик вазифаларни кун тартибига қўяди.

Пойтахтимиздаги "Наврўз" никоҳ ва оила маросимлари марказида ўтказилган **"Мустақиллик — бу ҳуқуқдир"** мавзусидаги анжуманда айнан шу вазифалар хусусида фикр юритилди. Тошкент шаҳар адлия бошқармаси, Чилонзор туман ҳокимлиги томонидан ташкил этилган мазкур анжуманда истиқлол йилларида суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилган ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти, бу борадаги ютуқлар, муаммолар ва уларнинг ечимлари хусусида қизиқарли маърузалар тингланди. Хусусан, **"Ўлим жазосини бекор қилишнинг мазмун-моҳияти"**, **"Хотин-қизлар ўртасида маънавият ва маърифат ишларини яхшилаш борасидаги вазифалар"**, **"Халқаро ҳуқуқий меъёрларда аёл ҳуқуқлари кафолати"**, **"Аёлларнинг сиёсий фаоллиги, жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш"**, **"Фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишда адлия идораларининг вазифалари"** каби мавзулардаги маърузалар анжуман қатнашчиларида катта қизиқиш уйғотди.

Қизғин баҳс-мунозаралар тарзида ўтган анжуман ишида Адлия вазирлиги, суд, прокуратура ва ИИБ идораларининг ходимлари, ХДП Тошкент шаҳар кенгаши депутатлари, Тошкент шаҳар ва Чилонзор тумани ҳокимияти вакиллари, "Маҳалла" жамғармаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, сиёсий партиялар, давлат тузилмалари, нодавлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этишди.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлигини юксалтириш жамият ривожининг муҳим шарти ҳисобланади. Бу вазифа ҳар бир кишидан алоҳида масъулият талаб қилади.

**Ғайрат АБДУЛЛАЕВ**

**Мамлакатимизда иқтисодий ночор ширкат хўжаликлари тугатилиб, улар ўрнида деҳқон ва фермер хўжаликларининг ташкил этилгани кишилар онгида ер ва меҳнатга бўлган муносабатни тубдан ўзгартирди. Ҳаётимизда «Сен ерни боқсанг, ер элни боқади», деган ҳикмат тобора қарор топмоқдаки, фермер ёки тадбиркор бўлиш иштиёқидаги кишилар сони кундан-кунга ортаётгани ҳам бунга далил бўла олади.**

*Tahlil va saboq*

## ИЖРО ИНТИЗОМИ

### сусткашлик ва сансоларликни кечирмайди

**Мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари қонун асосида тўлиқ кафолатланган. Бу борада «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонун, айниқса, муҳим аҳамиятга эга.**

Мазкур қонун фуқароларнинг давлат идораларига, муассасаларига мурожаатларини тартибга солади. Унга мувофиқ, ҳар бир шахс ҳуқуқи бузилган тақдирда давлат идорасига мурожаат қилишга ҳақли. Давлат идоралари ва мансабдор шахслар уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиши шарт.

Бироқ Бухоро вилояти адлия бошқармаси ходимлари Ромитан туман ҳокимлигида ушбу қонуннинг қандай ижро этилаётгани ҳолатини ўрганишда айрим қонунбузилиш ҳолатларига дуч келишди.

Масалан, фуқаро П.Авезов 2005 йил 1 декабрь куни Ромитан туман ҳокимлигига ариза билан мурожаат қилиб, 3 гектар боғ ва узумзорни хусусийлаштириб беришни сўраган. Ариза туман ҳокимлигида тегишли тартибда рўйхатга олиниб, кўриб чиқиш учун туман ҳокимининг ўринбосари Нурбой Ҳожиевга юборилган. Афсуски, ариза узоқ вақт мобайнида ҳоким ўринбосарининг столи тортмасида чанг босиб ётган.

Фуқаро Ўғилой Рўзиева уйининг томини таъмирлашда ёрдам беришни сўраб, 2005 йил 27 декабрь куни туман ҳокимлигига ариза билан мурожаат қилган. Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Олим Жумаевга фуқаронинг аризасини ўрганиб, жавоб бериш учун анча фурсат талаб этилган.

**«Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»**ги қонуннинг 18-моддасида ариза ва шикоятлар масалани моҳиятан ҳал этиш шарт бўлган давлат идорасига тушган кундан эътиборан бир ойгача бўлган муддат ичида, қўшимча ўрганишни ва текширишни талаб этмайдиган ариза ёки шикоятлар эса ўн беш кундан кечиктирмай кўриб чиқилиши қайд этилган. Ҳокимнинг биринчи ўринбосари Олим Жумаев эса туманидаги Шифокорлар кўчасида яшовчи фуқаро Сулаймон Жўраевнинг савдо дўкони қуриш учун ер ажратиш тўғрисидаги аризасига кечиктириб жавоб берган.

*(Давоми иккинчи бетда)*

*Bugunning gapi*

## ТАНЛОВ ҲАЛОЛЛИКНИ ЁҚТИРАДИ

Бироқ тадбиркор ёки фермер бўлиш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Шу боис ташкил этилаётган фермер хўжаликларига ер узоқ муддатга танлов асосида берилаётир.

Албатта, тендернинг белгиланган қонун талаблари асосида ўтказилиши ернинг ҳақиқий эгасини топишда ёрдам беради.

Чуст туманидаги «Каркидон» ширкат хўжалигининг 29-лойиҳасидаги ерга уч киши — Абдуғаффор Абдусаматов, Маннон Ғаффоров, Юсуф Норбоевлар даъвогарлик қилишди. Танлов комиссияси аъзоларининг хулосасига кўра, А.Абдусаматовга 73,42 балл, М.Ғаффоровга 75,37 балл ҳамда учинчи номзод Ю.Норбоевга 59,53 балл берилди. Комиссия аъзолари бир овоздан М.Ғаффоровни танлов ғолиби, деб эълон қилишди. Бироқ комиссиянинг хулосасидан М.Абдусаматов норози бўлиб, туман прокуратурасига ариза билан мурожаат қилди. Туман прокуратураси танлов босқичини атрофлича ўрганиб чиқди. Ўрганиш жараёнида М.Ғаффоровга техник созлиги ҳақида белги қўйилмаган ва эгалигида бўлмаган «Т-25-А» русумли трактор учун асоссиз равишда 8 балл берилгани аниқланди.

*(Давоми иккинчи бетда)*

*Istiqlol va imkoniyat*

# АМНИСТИЯ:

## БАҒРИКЕНГЛИК ВА АДОЛАТ НАМУНАСИ

*(Давоми. Боши биринчи бетда)*

Матбуотда эълон қилинган ушбу рақамларни такрор келтиришдан мақсад — давлатимизнинг жиноий жазоларни эркинлаштириш сиёсати, адолат ва инсонпарварлик тамойилларига амал қилиб келинаётгани нечоғли кўламли эканини яна бир карра тасаввур этишдир. Албатта, жиноят учун жазо муқаррар. Қилмишида жиноят таркиби бор бўлган ҳар қандай шахс қонунда кўрсатилган тартибда жавобгарликка тортилади. Бироқ Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаб айтганларидек, **жиноятчиликнинг олдини олиш, унга қарши курашиш самарадорлиги жазонинг оғирлиги ва шафқатсизлигига эмас, балки биринчи навбатда, қонунни бузган шахснинг жазонинг муқаррарлигини нечоғли англашига боғлиқ**.

Мустақиллик йилларида изчил амалга ошириб келинган суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотлар самараси ўлароқ, жазолашнинг озодликдан маҳрум этиш ҳоллари қисқартирилди. Бунинг натижасида қонунларимиз янада инсонпарвар моҳият касб этди. Жиноят қонунчилигининг либераллаштирилиши жараёни бунга кенг имконият туғдирди. Хусусан, ижтимоий хавфи унча катта бўлмаган жиноят турларининг кўпайиши қамоққа олиш билан боғлиқ бўлмаган ҳуқуқий институтлар фаолият доирасини кенгайтирди. Жиноят қонунчилигида 110 та жиноят таркиби бўйича санкциялар сезиларли даражада енгиллаштирилди, 30 тасидан қамоқ ёки озодликдан маҳрум этиш чоралари чиқариб ташланди. Ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар олдинлари Жиноят кодексининг 18,7 фоизини ташкил этган бўлса, ҳозирга келиб бу кўрсаткич 48,2 фоизга етди.

Ушбу тадбирлар замирида жуда катта инсонийлик фазилати, меҳр-шафқат намунаси мавжуд. Қамоқ жазосига ҳукм этилган ота ёки онадан маълум муддатга ажралган фарзандларнинг аҳволини бир тасаввур қилиб кўринг?!. Оила, аввало, иқтисодий қийинчиликка учрайди, қолаверса, фарзандлар тарбиясига путур етади, уларнинг мурғак қалби ўксийди... Демоқчимизки, Амнистия актлари нафақат адолат ва инсонийлик намунаси, балки жамият келажаги учун улкан маънавий-ахлоқий аҳамиятга молик тадбирдир.

Ўзбек давлатчилиги тарихидан маълумки, жиноятга жазо тайинлашда жиноят содир этган шахснинг уруғ-аймоғи, оилавий аҳволи, хатти-ҳаракатларининг қай даражада оғир ёки енгиллиги, уни кечиришга имкониятлар бор ёки йўқлиги синчиклаб ўрганилган. Фақат шундан сўнггина бир қарорга келинган. Дарҳақиқат, Соҳибқирон бобомиз Амир Темур «Темур тузуклари»да: **агар душманинг бош уриб паноҳингга келса, раҳм қилиб, яхшилик ва мурувват кўрсатгил,** дейди. Яхшилик ва мурувват бизга ота-боболаримиздан ўтиб келаётган қутлуғ туйғу бўлиб, бугунги мустақил давлатимиз сиёсатида, айниқса, инсон манфаатлари устун қўйилган қонунчилигимизда етакчи тамойилга айланган. Шу нуқтаи назардан, Амнистия актлари инсонпарварлик, бағрикенгликнинг юксак намунасидир. Энг муҳими эса, «Амнистия тўғрисида»ги ҳужжатлар йилдан-йилга такомиллашиб, уларнинг ижтимоий, тарихий, маънавий аҳамияти ортиб бораётир. Уларда озод этилувчилар тоифаси жуда кенг қамраб олинаётир. Ҳатто мустақил давлатимизга, Конституциявий тузумимизга қарши хатти-ҳаракатлар содир этган маҳкумларга ҳам мурувват кўрсатилди.

Юксак инсонийлик ва бағрикенглик намунаси бўлган Президентимизнинг авф этиш тўғрисидаги Фармонлари изчил тарзда ижро этилиши натижасида озодликка чиққан кўплаб фуқароларимиз осойишта ҳаёт бағрига қайтишди. Дарҳақиқат, инсон қадрланган жамиятда ҳамжиҳатлик барқарор бўлади. Эзгулик, бағрикенглик, меҳр-мурувват одамларни олижанобликка чорлайди.

Дарвоқе, яқинда Сурхондарёга йўлим тушиб, бундан икки йил бурун ўзи билиб-билмай жиноят содир этган, Президентимизнинг **«Амнистия тўғрисида»**ги Фармони туфайли жазодан озод этилган танишим билан учрашиб қолдим. У бироз хижолат тортиб, беихтиёр, тажрибасизлиги боис камомадга йўл қўйганини гапириб берди. Ўз хатосини тан ола туриб, **«Амнистияга тушганимдан кейин кўзим мошдай очилди. Эҳтимол, қамалиб кетганимда ҳам бунчалик сергак тортмасдим. Элдан қаттиқ уялдим, анча вақт ҳатто болаларимнинг кўзига қарай олмай юрдим. Айбимнинг кечирилгани мени ўн йилга улғайтирди. Президентимиздан, ҳукуматимиздан чексиз миннатдорман, айбимни тер тўкиб меҳнат қилиб оқламоқчиман»**, деди. Ҳозир у ўзи ташкил этган кичик хусусий корхонани бошқараётган экан. Айни кунларда ўзи ўқиган қишлоқ мактабини ўз ҳисобидан тўла таъмирлаб берибди. Қишлоқ оқсоқоллари ундан миннатдор.

Халқимизда бир оддий ҳикмат бор: **«Бўладиган эл бир-бирини ботирим дейди»**. Бир-бирида фазилат қидирган, бир-бирини суяб, меҳр-шафқат кўрсатган, ўрни келганда бағрикенглик қилиб кечирган, лозим топганда, танбеҳ бериб тўғри йўлга бошлаган элнинг турмуши ҳамиша осойишта, оилаларида тўрт бош тугал бўлади. Муҳтарам Юртбошимиз олиб бораётган адолатли ва инсонпарвар ўзбекона сиёсат бизни шунга ўргатади ва шуни талаб этади. Биз ҳам ана шу бағрикенгликка, адолатли сиёсатга эш бўлайлик.

**Абдумўмин ҚУЛТЎРАЕВ,**
**ҳуқуқшунос**

*Huquqiy ma`rifat*

# ШАЪН, ҚАДР-ҚИММАТ ВА ИШЧАНЛИК ОБРЎСИ

## қонун асосида ҳимоя қилинади

Конституциямизнинг 27-моддасида ҳар ким шаъни ва обрўсига қилинган тажовузлардан, шахсий ҳаётига аралашишдан ҳимояланиш ҳуқуқига эга экани белгилаб қўйилган. Фуқаролик кодексининг 100-моддасига биноан фуқаро ёки ташкилот ўз шаънига доғ тушириадиган ва қадр-қимматини, ишбилармонлик обрўсини пастга урадиган маълумотларнинг, агар ана шу маълумотларни тарқатувчи шахс уларнинг ҳақиқат эканини исбот қила олмаса, суд орқали рад қилинишини талаб этишга ҳақлидир. Бунда қонун шахсий ҳуқуқларни ҳимоя қилишда шахснинг жамиятда тутган ўрни, топган обрўсини назарда тутади. Қонунчиликдаги бундай қоидалар шахсларнинг ҳуқуқлари яна ҳам кенгроқ ҳимоя қилинишига имконият яратади.

Шаън, қадр-қиммат ва ишчанлик обрўсига тажовуз қилинган тақдирда кўп ҳолларда ҳуқуқ соҳибига моддий эмас, балки маънавий зарар етади. Маънавий зарар ҳуқуқи бузилган шахснинг жисмоний ёки руҳий изтироблари, ғам-ташвиш сингари кўринишларда намоён бўлади. Қонунга асосан агар фуқарога унинг шахсий номулкий ҳуқуқларини бузувчи ёхуд унга тегишли бошқа номоддий неъматларга тажовуз қилувчи ҳаракатлар орқали маънавий зарар етказилса, шунингдек, қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда суд ҳуқуқбузар зиммасига кўрсатилган зарарни пул орқали (моддий кўринишда) товон тўлаш билан қоплашни юклаши мумкин.

Маънавий зарарни қоплаш харажатларини белгилашда суд ҳуқуқбузарнинг айби даражаси ва бошқа эътиборга молик ҳолатини ҳисобга олади. Суд зарар етказилган шахснинг индивидуал хусусиятлари билан боғлиқ жисмоний ва ахлоқий қийноқлари (изтироблари, руҳий азоблари) даражасини ҳам ҳисобга олмоғи шарт.

Шаън, қадр-қимматни ҳимоя қилишда кўп ҳолларда суд ҳуқуқни қайта тиклаш ёхуд ҳуқуқбузарликларни тўхтатишни таъминловчи чоралар кўради. Шаън фуқаронинг муайян даражада тасдиқланиши, унинг ижтимоий ҳолати бўлса, қадр-қиммат эса мазкур ҳолатнинг соҳиби онгида акс эттирилиши, яъни жамият томонидан тақдирланишига кўра шахснинг ўз-ўзига берган баҳосидир. Меҳнат кодексининг 6-моддасига мувофиқ меҳнат соҳасида ўзини камситилган деб ҳисоблаган шахс камситишни бартараф этиш ҳамда ўзига етказилган моддий ва маънавий зарарни тўлаш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат қилиши мумкин.

Ишчанлик обрўси жисмоний ёки юридик шахснинг муомаласида иштирок этганидаги инсофли ёки инсофсиз ҳаракат қилишини билдиради. Бирон-бир фуқаронинг ёки ташкилотнинг номи ва шаънига доғ туширишга, бадном қилишга, қадр-қимматини пастга урадиган маълумотларни тарқатишга қонун йўл қўймайди. Бундай ҳолларда ҳуқуқлари бузилган шахсларнинг манфаатлари жиноятга оид қонунчилик меъёрлаига асосан Жиноят кодексининг 139- ва 140-моддалари) қўриқланиши-қўриқланмаслигидан қатъи назар, фуқароликка оид қонунчилик билан ҳимоя қилинади (Фуқаролик кодекси, 100-модда).

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, ҳар қандай салбий маълумотлар шаън ва қадр-қимматни, ишчанлик обрўсини пастга урадиган ёки унга доғ туширадиган маълумотлар ҳисобланавермайди. Қонунчиликда назарда тутилган маълумотлар, биринчидан, бировнинг шаънига доғ туширадиган ёки қадр-қимматини, ишчанлик обрўсини пастга урадиган бўлиши, иккинчидан, бу маълумотларнинг тарқатилган бўлиши ва учинчидан, мазкур маълумотлар ҳақиқатга тўғри келавермайдиган бўлиши керак.

Шахсларнинг обрўсига доғ туширадиган маълумотлар, деганда турмуш доираларига, жамиятимиз ахлоқ тамойилларига бўлган муносабатларнинг салбий баҳоланиши тушунилади.

Маълумотлар муайян фактларга баҳо беришдан ёки шахснинг хулқини, хатти-ҳаракатини баҳолашдан иборат бўлиши мумкин. Бундай ишлар бўйича жавобгар тараф фактларнинг ҳақиқатда бўлганини ёки келтирилган баҳо ва тавсиф далилларига тўғри келишини исботласагина, даъвогар олдида жавобгарликдан озод қилиниши мумкин. Агар жавобгар даъвогар шахсни тавсифловчи далилларнинг бўлганини исботлай олмаса ёки суд жавобгар берган баҳоси билан келишмаса, уни жавобгарликка тортиши мумкин.

Башарти, фуқаронинг шаъни, қадр-қиммати ёки ишчанлик обрўсига путур етказувчи маълумотлар оммавий ахборот воситаларида тарқатилган бўлса, айнан шу оммавий ахборот воситаларида раддия берилиши лозим (Фуқаролик Кодексининг 100-моддаси, 3-банди). Башарти, бундай маълумотлар ташкилотдан олинган ҳужжатда учраса, бундай ҳужжат алмаштирилиши ёки чақириб олиниши лозим (Фуқаролик кодексининг 100-моддаси, 4-банди).

Бошқа ҳаракатларда раддия бериш тартиби суд томонидан белгиланади, лекин у обрўга путур етказувчи маълумотларни тарқатиш усулига ва хусусиятига мувофиқ бўлиши шарт.

Обрўга путур етказувчи маълумотларни тарқатган шахс бундай маълумотларни рад этиш билан бирга уларнинг тарқатилиши натижасида етказилган моддий ва маънавий зарарларни ҳам тўлаши лозим. Умумий қоидага кўра, фуқаронинг ишчанлик обрўсини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қоидалар юридик шахснинг ишчанлик обрўсини ҳимоя этишга нисбатан ҳам тегишли йўсинда татбиқ этилади (Фуқаролик кодексининг 100-моддаси, 9-банди).

Кўриниб турибдики, қонунчилигимизда инсоннинг шаъни, қадр-қиммат ва ишчанлик обрўси тўлиқ кафолатланган. Зеро, мамлакатимизда инсон шаъни, ҳуқуқ ва манфаатлари олий қадрият ҳисобланади.

**Отабек МУҲАММАДИЕВ,**
**ҳуқуқшунос**




*Mitti maslahat*

# СУДЛАНГАНЛИКНИ БЕКОР ҚИЛИШ:

## У ҚАНДАЙ ТАРТИБДА АМАЛГА ОШИРИЛАДИ?

Судланганлик — жиноят ҳуқуқида жиноят учун ҳукм этишнинг юридик оқибати, жиноий жавобгарлик элементларидан бири ҳисобланади. Маҳкумлар ҳуқуқи маълум чекланишларга эга бўлиб, улар жазо таркибига кирмайди (масалан, маълум мансабларни эгаллаш ёки маълум фаолиятлар билан шуғулланиш). Жиноят кодексининг 77-моддасига мувофиқ жиноят содир этганликда айбланган шахс суднинг айблов ҳукми қонуний кучга кирган кундан бошлаб бекор қилинган ёки судланганликни олиб ташлаш вақтигача судланган ҳисобланади. Судланганлик Жиноят кодексига мувофиқ такроран жиноят содир этилганда, жазо белгиланаётганда ҳисобга олинади. Жазодан озод қилинган шахс судланмаган ҳисобланади.

Судланганлик қуйидаги ҳолатларда тугатилади: а) шартли ҳукм этилган шахсларга нисбатан — синов муддатининг тугашига биноан; б) озодликдан маҳрум этишга қараганда бирмунча енгил жазо турлари билан ҳукм этилган шахсларга нисбатан — жазо муддатини ўтаб бўлгач, бир йил ўтиши билан; в) катта бўлмаган ёки ўртача оғир жиноят содир этилганлиги учун озодликдан маҳрум этилган шахсларга нисбатан — жазо муддатини ўтаб бўлгач, уч йилдан сўнг; г) оғир жиноят содир этиб озодликдан маҳрум этилган шахсларга нисбатан — жазо муддатини ўтаб бўлгач, олти йилдан сўнг; д) ўта оғир жиноят содир этиб ҳукм этилган шахсларга нисбатан — жазо муддатини ўтаб бўлгач, саккиз йилдан сўнг судланганлик ҳолати олиб ташланиши мумкин.

Агар ҳукм этилган шахс қонунда белгиланган тартибда жазони ўташдан муддатидан илгари озод этилган ёки жазонинг ўталмаган қисми енгил жазо тури билан алмаштирилган бўлса, судланганлик бекор қилиниши жазонинг ҳақиқий ўталган муддатидан келиб чиқиб асосий ва қўшимча жазо турларини ўтаб бўлган вақтидан бошлаб ҳисобланади. Агар ҳукм этилган шахс жазони ўтаб бўлгач, қайта жиноий хатти-ҳаракат содир этмаса, унинг илтимосномасига биноан суд судланганликни муддати тугагунга қадар олиб ташлаши мумкин. Судланганликни бекор қилиниши ёки олиб ташланиши судланганлик билан боғлиқ барча ҳуқуқий оқибатларни бартараф этади.

**Шавкатбек ИСОҚОВ**




### Эрон БМТ резалюциясини тан олмади

Эрон ҳукумати БМТ Хавфсизлик Кенгаши резолюция қабул қилинганига қарамай, уранни бойитиш борасидаги ишларни давом эттираверади. Эрон Миллий Хавфсизлик Олий Кенгаши котиби Али Ларижоний кеча ана шундай баёнот берди. Хавфсизлик Кенгашининг ушбу резолюцияси ноқонуний, дея таърифлаган Ларижоний, БМТнинг уранни бойитиш ишларини тўхтатиб қўйиш ваколати йўқ эканини таъкидлади. Ларижонийнинг сўзларига қараганда, Эрон ядровий қуролни тарқатмаслик ҳақидаги шартномани бузмаган ва келгусида ҳам бузмайди.

### Вазият чигаллашмоқда

Ливанни қўллаб-қувватлаш мақсадида умумараб кенгаши бўлиб ўтаётган бир пайтда Исроил ҳарбийлари Байрутга ракета зарбалари берди. «Россия овози» радиостанциясининг хабар беришича, бундай хатти-ҳаракат Ислом оламини радикаллашувига олиб келиши мумкин. Исроил авиацияси душанба куни Байрут ҳамда Ливаннинг жанубий ҳудудини бомбардимон қилди. Шу билан бир қаторда қуруқликда ўтказилаётган ҳарбий операцияларнинг кўлами ҳам кенгаймоқда.

Радиостанциянинг таъкидлашича, Исроилнинг Байрутга берган ракета зарбаларида мажозий маъно бор. Бу дарҳол урушни тўхтатиш ва Исроил қўшинларини Ливан ҳудудидан олиб чиқиш талабига берилган зарбалардир. Араб давлатлари Лигасига аъзо давлатларнинг Ташқи ишлар вазирлари айнан шу талаб билан денгиз ва ҳаво қамалига учраган Байрутга етиб келган эдилар.

Маълумотларга қараганда, Исроил ҳаво кучларининг ўтган кеча Ливанга ҳаво зарбалари беришни давом эттирганидан буён яна 15 нафар киши ҳалок бўлган. Ўша кеча Байрутда камида 8 та кучли портлаш қайд этилган, 7 нафар киши ҳаётдан кўз юмган.

Эрта тонгда порт шаҳри Тир ва унинг атрофлари ҳам бомбардимон қилинди, дея хабар беради РБК ахборот агентлиги. Кассмиех шаҳрида 7 нафар киши, унинг яқинида жойлашган Гассаниех қишлоғида 1 нафар киши ҳалок бўлган, Исроил снаряди келиб тушган турар-жой биносининг қулаши натижасида 14 нафардан ортиқ одам жароҳатланган. Қутқарувчиларнинг сўзларига қараганда, вайроналар остида яна 6 кишининг жасади қолиб кетган.

### Қабиҳ жиноят

Кеча Ироқнинг Бағдод шаҳрида 14 ёшли қиз – Абир Қосим Ҳамза ал-Жанобийнинг беш нафар Америка ҳарбийлари томонидан зўрлангани ва сўнг ваҳшиёна тарзда ўлдирилиши, шунингдек, унинг ота-онаси ва олти ёшли синглисининг ўлдирилиши билан боғлиқ жиноий иш юзасидан ёпиқ суд жараёни бошланди. Бу мудҳиш жиноят шу йилнинг 12 мартида Маҳмудия шаҳрида содир этилган эди.

Аскарларга ўлим жазоси берилиши мумкин. Беш нафар хизматдошининг разил ниятини билган, аммо қўмондонликка бу ҳақда хабар бермаган аскар ҳам ҳарбий трибуналга тортилган. Федерал текширув бюросининг маълумотларига қараганда, судланувчилар маст ҳолатда бу ёвузликка қўл уришган. Жиноят содир этган ҳарбийлар ваҳшийлик изларини яшириш мақсадида уй ва жасадларни ёқиб юбормоқчи бўлишган.

Ўтган куни мурдаларни текшириб, тиббий хулоса берган ироқлик шифокор судга кўрсатма берди. Исм-шарифи сир тутилаётган бу гувоҳнинг сўзларига қараганда, кўрган ўша даҳшатли манзара ҳамон кўз ўнгида турибди: америкалик аскарлар бутун оила, шу жумладан, олти ёшли қизалоқни бошидан отиб ўлдиришган.

Ироқдаги суд жараёни тўрт кун давом этади. Аскарлар ҳам ўз "қаҳрамонликлари" ҳақида фикр билдириши керак. АҚШ қўмондонлиги ироқликлар суд томонидан чиқарилган жазони етарли эмас деб ҳисобласа, Ироқ ҳукумати америкалик ҳарбийларнинг суд иммунитети ҳақидаги шартномани қайта кўриб чиқишни талаб қилишидан хавфсирашмоқда. АҚШнинг Рим Халқаро жиноий суд Статутидан ўз имзосини олиб ташлагани боис, АҚШнинг чет эл давлатлари билан шартномалари асосида америкаликларнинг жиноий жавобгарлиги фақат Америка судларида ҳал этилади. Америка ҳарбийлари устидан олиб борилаётган бу суд жараёни Ироқда катта шов-шувга сабаб бўлмоқда. Мамлакат бош вазири Нури ал Маликий мустақил текширув ўтказиш ва чет эл ҳарбийларини Ироқ ҳуқуқи олдидаги иммунитетидан маҳрум этишни талаб этмоқда. БМТ Бош котиби Кофи Аннан Хавфсизлик Кенгашига Ироқдаги «сиёсий, иқтисодий ўта оғир вазият" туфайли БМТнинг 11 августда тугайдиган ваколатини яна чўзиш ҳақидаги илтимос битилган мактубни йўллади.

### Фожиа қурбонлари ёдга олинди

Ўтган якшанба куни Япония аҳолиси Хиросимага ташланган атом бомбаси туфайли қурбон бўлган юртдошларининг хотирасини ёдга олишди. Бундан роппа-роса 61 йил муқаддам Американинг «Б-29» самолёти бу шаҳарга атом бомбаси ташлаган эди.

Маҳаллий вақт билан 8.15 да Хиросимадаги сукунатни хотира қўнғироғининг садоси бузди. 240 минг нафардан ортиқ кишининг ёстиғини қуритган фожеа айнан шу вақтда рўй берган эди.

Шу куни шаҳардаги Тинчлик боғига 45 минг нафарга яқин японияликлар йиғилди. Маросим якунида осмонга оқ кабутарлар қўйиб юборилди.

Бир неча кундан сўнг хотирлаш маросими Нагасаки шаҳрида ҳам бўлиб ўтади. Бу шаҳарга ташланган атом бомбаси туфайли 140 минг нафардан зиёд японлар ҳаётдан кўз юмган эди.

**Интернет материаллари асосида Ж.НАҲАНОВ тайёрлади**

*Jinoyatchilik anatomiyasi*

# САРОБГА АЛДАНМАНГ!

**Қинғир йўл билан бойлик орттириш истаги одам боласини ҳамиша ҳалокат ёқасига етаклаган. Гиёҳвандлик моддалари ва ноқонуний қурол савдоси, ўзгалар мулкини талон-торож қилиш, ўғрилик, фирибгарлик каби жиноятлар замирида, шубҳасиз, енгил даромад топиш муддаоси ётади. Бугунги кунга келиб, ана шу қора рўйхатдан яна бир мудҳиш жиноят ўрин эгаллади. Бу — одам савдоси. Ер юзидаги ҳеч бир давлат қонунлари, қолаверса, халқаро ҳуқуқий меъёрлар инсонлар савдосига йўл қўймайди. Бироқ кейинги ўн-ўн беш йилда жаҳондаги бир қатор мамлакатларда одамлар савдоси кенг тарқалган ҳодисага айланиб бораяпти.**

**Шу ўринда савол туғилади: хўш, одам савдосининг ўзи нима?**

Бир қатор илмий адабиётларда таъриф берилишича, одам савдоси инсонларни куч ишлатиш таҳдиди ёки мажбурлашнинг бошқа шаклларини қўллаш, ўғирлаш, фирибгарлик, алдаш, ҳокимиятни суиистеъмол қилиш, ночор вазиятдан фойдаланиш ёки бошқа шахс назорат қилаётган кишининг розилигини олиш мақсадида тўлов ёки фойда кўринишидаги пора эвазига эксплуатация қилиш учун одамларни ёллаш, олиб ўтиш, бериб юбориш, яшириш ёки уларга эга бўлишни билдиради. «Эксплуатация» кам деганда, бошқа шахсларнинг фоҳишалик қилиш эксплуатациясини ёки жинсий эксплуатациянинг бошқа шаклларини, мажбурий меҳнат ёки хизматларни, қуллик ёки қулликка хос унсурлар каби хатти-ҳаракатларни қамраб олади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маълумотларига қараганда, аёллардан товар сифатида фойдаланиш натижасида дунё бўйича йилига 12 миллиард доллар фойда кўрилар экан. Яна баъзи бир манбаларда дунёда ҳаммаси бўлиб 30 миллиондан 200 миллонгача киши қуллик ҳолатида эканлиги айтилади. Энг ачинарлиси, одамлар савдоси қурбонларининг асосий қисми хотин-қизлардан иборат.

Маълумки, кўпчилик аёллар эркакларга нисбатан нозиктаъб, ишонувчан ва ҳиссиётга берилувчан бўлишади. Бу табиий ҳол, албатта. Бироқ алдов, зўравонлик, таҳқирлаш ва қаллоблик воситасида ўз мақсадларини амалга оширувчи одам савдогарлари учун аксарият аёлларга хос бу хислатлар жуда қўл келади. Ёш қиз-жувонлар асосан ёлғон ваъдаларга учиб йўлдан адашади. Оқибатда осонгина қўлга киритилган «ўлжа» зўрлик билан катта даромад келтирувчи воситага айлантирилади. Кўпчилик тадқиқотчилар одам савдосини ҳатто гиёҳванд моддалари сотишдан ҳам даромадлироқ, деб ҳисоблайди. Бу фикрни Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилотининг маълумотлари ҳам тасдиқлайди. Хусусан, ЕХҲТга аъзо мамлакатларда бу жиноятнинг қурбонига айланган эркаклар сони жабр кўрганларнинг умумий миқдорига нисбатан атиги 2 фоизни ташкил этади.

Одам савдоси жиноятини амалга ошириш жараёни бир неча мураккаб босқичдан иборат. Бу босқичлар бир-бирига мустаҳкам боғланган занжир ҳалқаларига ўхшайди. Аввалига жабрдийда ёлланади. Кейин эса олиб ўтиш, алдаш, бошқа шахсга топшириш ва ниҳоят эксплуатация қилиш каби ҳолатлар қўлланилади.

### АЛДОВ ИСКАНЖАСИДА

Одатда, катта маош тўланадиган яхши иш таклифи кўпчиликнинг бошини айлантириб қўяди.

Шу боис текин пишлоқ фақат қопқондагина бўлишини англаб етмаган баъзи одамлар катта даромаднинг дарагини эшитиб, ўзини йўқотиб қўяди ва оқибатда одам «савдогарлари»нинг қармоғига осонгина илинади. Бу — ўлжа овлашнинг биринчи босқичи.

Хусусий газета ва журналларда, симёғочлар ва автобекатларда хорижий давлатларда юқори маош тўланадиган турли ишларни тавсия қилувчи эълонларга кўзингиз тушгандир, эҳтимол? Албатта, хорижда ишлаб, моддий манфаатдорликка эришишнинг ёмон томони йўқ. Негаки, ишбилармон одам имкониятларидан келиб чиқиб, ўзига мос фаолият турини танлашга ва бунинг ортидан даромад топишга тўла ҳақли. Қолаверса, хорижга чиқиб ишлаш учун қонунларимизда ҳам ҳеч қандай чеклов йўқ. Аксинча, мутасадди идора вакиллари ана шундай мақсадни кўзлаган фуқароларга бажонидил кўмаклашади, йўл-йўриқ кўрсатади, маслаҳат беради. Аммо баъзи бир қаллоб кимсаларнинг гап-сўзларига ишониб иш тутсангиз-чи? У ҳолда алданиб қолишингиз ҳеч гап эмас.

— Қаҳвахонада ёнимизга бир аёл келиб, хорижий давлатлардан бирида ишлаб, мўмайгина даромад топиш мумкинлигини айтиб қолди, — дейди Оксана исмли аёл. — Хоҳиш устун келиб, дугонам билан ҳамсуҳбатимизнинг гапларига қизиқиб қолдик ва шубҳа-гумонларни йиғиштириб қўйиб, у ерга боришга қарор қилдик. Ҳозир биз уйдамиз, бироқ ҳанузгача саҳроларда, автомат нишонлари остида юрганларимиз тушларимизга киради. Бизга ваъда қилинган, қизиқтирилган пуллар эса шунчаки алдов экан...

Кўриниб турибдики, бу жиноят алдов ва ёлғон ваъдаларга асосланган. Хусусан, хорижда аёлларга раққосалик, официантлик, оқсочлик, энагалик, эркакларга эса боғбонлик, қурувчилик бўйича иш борлигини айтиб, катта миқдордаги маош таклиф қилишади. Уларга сизнинг розилигингиз керак, холос. Ҳужжатларни расмийлаштириш эса «яхши одамлар» зиммасида. Бунинг учун паспортингизни уларга топшириб, бироз кутсангиз, кифоя. Йўл чипталари масаласи ҳам муаммо эмас. Чипталарни ўзлари сотиб олишади, барча харажатларни тўлашади. Қарзга, албатта. Қарзни эса чет мамлакатда биринчи маошингиздан қайтарасиз. Нақадар ажойиб. Ҳамма иш хамирдан қил суғургандек тез ва осон битаяпти. Орзулар ушалишига жуда яқин қолди.

Бироқ...

### АЧЧИҚ ҲАҚИҚАТ

Саробни кўрганмисиз? Унинг ғалати хусусияти бор: аввал ишонтиради, сўнг алдайди. Фирибгарларнинг ваъдалари ҳам саробга ўхшайди: яқинлашганингиз сари узоқлашади ёки бутунлай ғойиб бўлади.

Чанқоқ орзулар билан хориж сафарига йўл олган одам савдоси қурбонлари ҳам кўп ҳолларда саробга алданиб қолганликларини афсус билан тан олишади. Аслида ҳам шундай: қўйнингизни пуч ёнғоққа тўлдириб юборишганини манзилга етиб борганингиздан сўнг англайсиз.

*(Давоми тўртинчи бетда)*

**Одатда, оқибат сўзи тилга олинганда, албатта, у билан бирга меҳр-муҳаббат, мурувват сўзлари ҳам қўшиб айтилади. Чунки юқоридаги фазилатларсиз инсон оқибатли бўла олмайди. Муқаддас Ҳадиси шарифда ҳам "Бир-бирингизга оқибатли бўлинг, зеро, у ўртадаги меҳр ришталарини янада мустаҳкам боғлайди", дейилади.**

*Muhokama uchun mavzu*

# ОҚИБАТ

Оқибат сўзининг луғавий маъноси саховатли қалбнинг ўзгаларга мурувват кўрсатиши, ёмонликдан, адолатсизликдан ҳаё қилиб, андиша билан иш тутиши, демакдир. Одатда, бирор-бир кишига оқибат кўрсатганларнинг ҳам, ундан баҳраманд бўлганларнинг ҳам чеҳраси доимо яшнаб юради. Кексаларимиз саховатсиз инсоннинг юзи нурсиз бўлишини уларнинг оқибатсизлиги билан изоҳлашлари ҳам бежиз эмас, албатта. Оқибатсиз инсонлар нафақат атрофдагиларга, балки билиб-билмай ўзларига ҳам ёмонлик келтирадилар. Қуйидаги икки воқеа ана шу ҳақда.

Қишлоғимизнинг ўзига тўқ, бадавлат одамларидан бири ҳисобланмиш Маҳкам аканинг икки ўғил ва бир қизи бор эди. Тақдир тақозоси билан у киши ҳаётдан эрта кўз юмди. Ундан данғиллама ҳовли, машина ва бошқа кўплаб мол-мулк қолди. Марҳум вақтида икки ўғлини ҳам ўқитиб, ишли, оилали қилишга улгурганди. Энг муҳими, уларнинг ҳар бирига уй-жой қуриб берган эди. Аммо ота дунёдан ўтгач, оқибатсиз ўғиллар ундан қолган уй-жойга ҳам кўз тика бошладилар. Аввалига бир-биридан пинҳона равишда ёши ўтиб қолган оналаридан уйни ўз номига ўтказиб беришни илтимос қилишди. Кейинчалик бу ҳол ошкора намоён бўла бошлади. Бир-бирига сездирмаслик учун пинҳона келиб-кетиб юрган ака-укалар энди очиқчасига онанинг олдида уриш-жанжал қиладиган бўлишди. Энг ёмони, икки ўғил ҳам ҳам онага маломат тошларини ёғдиришарди. Она ҳайрон, лол. Ахир, уйни уларнинг қайси бирига берсин? Ака-укалар уйни тенг бўлиб олишга ҳам кўнишмади. Онаизорни бир нарса қаттиқ ўйга толдирарди. Уй-жойга муҳтожлиги бўлмаган фарзандлари нима учун бу даражага боришаяпти? Нега уят-андишани унутиб, бир ҳовли учун ёвлашаяпти? Бу аҳволда эртага у дунёдан кўз юмгач, ака-укаларнинг ҳоли не кечади? Қўни-қўшни, қариндош-уруғлар оқибатсиз ака-укаларнинг бу қилмишини қандай баҳолашади?..

Ёлғиз қизи ҳам акаларининг жанжалларидан безиб, уйга келмай қўйди. Бир гал келганида катта акаси унга "сен нега бунча серқатновсан, ё сени ҳам ҳовлидан умидинг борми?" — дея ўшқирган экан. Бу гапдан хафа бўлган сингил ота уйидан оёғини тортди. Онаизорнинг эса боши қотган...

Узоқ йиллар мактабимизда фаррош бўлиб ишлаган аёлнинг ҳаёти ҳам фарзандларининг оқибатсизлиги туфайли тинч эмас. У тўрт ўғил, икки қизни ёлғиз боши билан улғайтирди. Турмуш ўртоғи касаллик туфайли ҳаётдан эрта кўз юмганди. Она фарзандларини вояга етказиш учун тинмай меҳнат қилар, шу боис қариндош-уруғлар билан борди-келди қилишга ҳам фурсат тополмас эди. Ўғиллари отасиз ўсган бўлишига қарамасдан, мустақил равишда ҳаракат қилиб, ўз йўлларини топиб кетишди. Уйли-жойли бўлишди. Уларда онага нисбатан меҳр-оқибатдан бошқа ҳамма нарса бор...

Катта қизи ҳам ўзидан тинчиб кетгач, гал кенжа қизига келди. Онанинг кенжа қизига меҳри бўлакча эди, доимо унинг кўнглига қарар, нима сўраса, муҳайё қиларди. Айтгани айтган, дегани деган эрка қиз ҳам вақти келиб, турмушга чиқди. Аммо унинг болаликдаги хархашалари босилмаган, ҳадеб онасидан гоҳ кийим-кечак, гоҳ тақинчоқлар олиб беришни талаб қиларди. У ҳар доим ўзининг кенжа фарзанд эканини пеш қиларди-ю, аммо онани она ўрнида кўриш, унинг олдидаги фарзандлик бурчини адо этиш лозимлиги ҳақида ўйлаб ҳам кўрмасди. Онаизор кенжа ўғли, келини билан бирга яшаса-да, бор-будини қизига таширди. Қизи меҳмонга келгудек бўлса, ўғлининг болаларини терғаб, қизининг болаларини эркалатар, бундан эса ҳали мурғаккина набиралар ҳам ҳайрон, ҳам хафа бўлишарди...

Йиллар ўтиб она куч-қувватдан қолди. Энди у қизининг талабларини қондиролмасди. Шу боисми, кунора келадиган қизининг қадами ҳам сийраклашди. Кекса онахон бир кун соғ бўлса, икки кун кўрпа-тўшак қилиб ётади. Ана шундай маҳалларда унга бир пиёла иссиқ чой тутадиган, ҳолини сўрайдиган киши топилмайди. Ҳатто атрофидаги набиралари ҳам унга парвона бўлишни, меҳрибонлик қилишни хаёлларига келтиришмайди. Она фарзандлари олдида ўзи адо этиши керак бўлган барча вазифаларни бажарган эди-ю, бироқ фарзандларига энг муҳим нарсани, бир-бирига меҳр-оқибатли бўлишни ўргатмаганди.

Юқоридаги ҳар икки ҳолатда ҳам бир ота-онанинг фарзанди бўла туриб, бир оилада улғайиб вояга етган бўлса-да, оқибат сабоғини кўрмагани учун ўзаро бемеҳрлик қилаётган ака-укаларнинг, бунинг натижасида озор чекаётган муштипар онанинг аянчли тақдири яққол намоён бўлди. Биринчи оиладаги фарзандларга балки ёшлигида мол-мулкка эмас, жигаргўшаларига, яқинларига меҳр қўйишга ўргатилганида, улар бунчалик тубанлашмасмиди?

Иккинчи оиладаги фарзандларга ҳам ҳар доим бир-бирини суяши, асраб-авайлаши, меҳр-оқибатли бўлиши керак экани уқтирилганида бугун она фарзандлар меҳрига зор бўлиб ўтирмас, фарзандлар эса бир-бирларидан йироқлашиб кетишмаган бўлишарди?

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш лозимки, кишилар оқибатли бўлиши учун ўзаро муносабатларда манфаат эмас, аксинча, инсонийлик устун бўлиши керак. Чунки муносабатлар замиридаги дунёвий мақсадлар гарчи сиртдан билинмаса-да, зимдан инсонларни бир-биридан узоқлаштиради. Агар эътибор берган бўлсангиз, ўзаро гурунг чоғида бирор киши ҳақида сўз кетиб қолса, "ҳа, у фақат иши тушган чоғида сизни эслайди" ёхуд "у иши битганидан сўнг ҳеч кимни танимайди", дея таъриф бериб қолишади. Ана шундай кимсаларни ҳақли равишда оқибатсиз одамлар, деб аташ мумкин.

Оқибатлиликнинг яна бир ажойиб томони шундаки, бировга оқибат кўрсатган инсоннинг кўнгли равшан тортиб, руҳи енгиллашади ҳамда ҳаётга муҳаббати ортади. Айниқса, қариндошлар, ёру биродарларга кўрсатилган меҳр-оқибат киши кўнглига хотиржамлик ва ўзгача бир сурур бағишлайди.

Бундан ташқари, оқибат нафақат яқинларга, балки ён-атрофдагиларга, бизга таниш бўлмаган кишиларга ҳам кўрсатилса, натижада улар ҳам яқинимизга, биродаримизга айланади. Ана шундай ҳолларда оқибатнинг нечоғлик қудратли куч эканини ҳис қилиш мумкин. Бунинг акси бўлган, яъни яқин биродарлар ўртасидан оқибат кўтарилган жойда эса на файз, на барака бўлади. Шундай экан, бир-биримизга оқибатли бўлайлик...

**Ҳидоят ЖЎРАЕВА,**
**«Инсон ва қонун» мухбири**

*Dunyoning ishlari*

# МУҲАББАТДАН ЯРАЛГАН НАВОЛАР

**Буюк композитор П.И.Чайковскийнинг ғалати одати бор эди: у ўзини аёллардан олиб қочса-да, улар билан муомалани жуда ўрнига қўя биларди. Шунга қарамай, у оддий инсонлардек ҳаёт кечиришни доимо орзу қиларди.**

Табиатан ҳиссётга ўта берилувчан санъаткор қалб туғёнларини яширолмасди. Унинг маъюс жилмайишидан эса самимийлигини пайқаш қийин эмасди. Сеҳрли тароналари билан у инсонлар қалбига йўл топар, уларнинг дардига дармон бўла оларди.

Чайковский мусиқалари янграганда аслзода хонимлардан тортиб оддий аёллargача сеҳрланиб қолишар, уларнинг соғинчу ўкинчлари, юракларининг туб-тубига яширинган туйғулари, дард-аламлари наволарда тараннум этилаётгандек туюларди.

## ДЕЗИРЕ АРТО

1868 йили Москвага ташриф буюрган италиялик санъаткорлар орасида машҳур опера қўшиқчиси Дезире Арто ҳам бор эди. У буюк хонанда Полина Виардонинг шогирди бўлиб, 30 йил унинг қўлида опера санъатининг сир-асрорларини ўрганганди. Тўладан келган Дезире жуда соҳибжамол бўлмаса-да, аммо ноёб истеъдод соҳибаси эди. Жарангдор овози билан саҳнада куйлаганда минглаб мухлислар ўринларидан туриб, уни олқишларди. Бу сирли овоздан ўша пайтда бутун Европа ҳайратга тушган бўлса ажабмас. Дезире Москвада мислсиз муваффақиятни қўлга киритади. Чайковский ҳам бу тенгсиз қўшиқчининг мухлисига айланади. Пётр Ильич ўша вақтда 28 ёшда, эндигина композитор сифатида танилиб келаётган йигит эди. У Дезире Артонинг катта театрдаги концертларини қолдирмасди. Концерт залида Артонинг бетакрор овозига маҳлиё бўлиб ўтиракан, қандайдир ҳислар уни безовта қиларди. Наҳотки, бу аёлга қалбимда муҳаббат уйғонган бўлса, дея ўйларди у. Чайковский дўсти, истеъдодли мусиқачи Антон Робенштейн орқали кўнглида кечган ҳаяжонларни Дезирега етказишга уринар, улар яқиндан танишгач, Дезире ҳузурига тез-тез борадиган бўлди. Бу аёл тенгсиз овози, ақлу идроки билан Пётрни тамом ўзига ром этарди. Артодаги қатъиятни Пётр бошқа аёлларда учратмаганди. У отасига йўллаган мактублардан бирида: "Биз бир-биримизга шу қадар ўрганиб қолган эдикки, нозик туйғуларимизни санъатимиз орқали бир-биримизга ошкор этардик", деб ёзганди.

Чайковский Дезире билан турмуш қуришни жуда-жуда хоҳлар, аммо Дезире ўта машҳурлиги боис, унинг олдида ночор кўринишни истамасди. Боз устига, Дезире ўта мағрур эдики, қашшоқ инсон билан турмуш қуришни ўзига эп кўрмасди. Чайковский жаҳл устида дўстини унинг ҳузурига юбориб, қайси аслзодага турмушга чиқмоқчи эканини сўраб билмоқчи бўлади. Унинг бу ҳаракатидан ранжиган Дезире Арто хайрни ҳам насия қилиб, Варшавага жўнаб кетади. Пётр эса, бир йил интизор бўлиб ундан мактуб кутади.

Орадан кўп ўтмай Дезире яна Москвага концерт бергани келади. Концерт залининг бир чеккасида ўтирган Чайковский кўзларида қалқиётган ёшларни заррабин билан яшириб ўтирарди...

## БАРОНЕССА ФОН МЕКК

Баронесса Надежда Филаретовна фон Мекк оқила аёл эди. Бирин-кетин ўн битта фарзандни вояга етказган бу аёлнинг тадбиркорлиги туфайли ночор аҳволдаги хонадон бадавлат оилага айланади. Мумтоз мусиқанинг шайдоси бўлган Надежда 44 ёшида бева қолади.

Москвада ўтадиган симфоник концертларни канда қилмайдиган, энди танилиб келаётган Чайковскийнинг мусиқаларига шайдо бўлиб қолган бу аёл унинг сирли наволаридан сеҳланарди. Саҳна узра таралаётган сеҳрли куй Надежданинг юрагида акс-садо берарди. Бир куни баронесса Ильичга ўзи учун куй басталаб беришини сўрайди ва бунинг учун мўмайгина ҳақ тўлайди. Композитор эса, баронессага ташаккурини мактуб орқали баён этади. Бу Чайковскийнинг баронессага ёзган илк мактуби эди.

Надежда эса, у билан яқинроқ муносабат ўрнатишга ошиқар, унга тинимсиз мактублар йўлларди. Петр Ильичнинг камбағал оиладан чиққани, қўлига қараган қариндош-уруғлари кўплигини билгач, баронесса унга беминнат ёрдам бера бошлайди: қарзларини тўлайди, тез-тез моддий рағбатлантириб туради. "Сиз иқтисод ҳақида қайғурманг. Чунки сиз буюк санъаткорсиз. Сизнинг ишингиз фақат ижод қилиш, инсон юрагини жунбушга соладиган куйлар басталашдан иборат", деб ёзади аёл мактубларининг бирида.

Гарчи улар шу тариқа ўн бир йил хат ёзишган бўлса-да, бирон марта ҳам ҳаётда бир-бирларини кўрмаган, учрашиб суҳбатлашишмаган. Бунинг сабаби эса, Надежда Филоретовнанинг Чайковскийдан 10 ёш катталиги ва уни табиат ҳусн-жамолдан қисганида эди. Лекин Чайковский басталаган мусиқалар уларни қалбан бир-бирларига боғлаганди. Баронесса Чайковский ҳаётининг мазмунига айланишини истар, композитор эса Надеждани уйига таклиф этишга журъат қилолмас, камбағаллигидан ийманарди.

Пётрга ёзган мактубларидан бирида баронесса шундай дейди: "Мен сизнинг мусиқангизни тинглай туриб, вужудимда кечадиган туғёнларни тушунтириб бера олмайман. Агар юрагимни сўрасангиз, уни Сизга ўзим тортиқ этаман.

## БИРИНЧИ ВА СЎНГГИ НИКОҲ

Чайковский 37 ёшида Москва консерваториясини битирган 29 ёшли Антонина Ивановна Мильюкова билан турмуш қуради. Антонина ҳам бошқа аёллар сингари, буюк композиторга кўнгил қўйганди. Уларнинг тўйлари бўлиб ўтади. Ўшанда Чайковский Антонинага уни сева олмаслигини, аммо вафодор эр бўлишга тайёрлигини айтади. Чайковскийнинг табиатидаги тушкун кайфиятга мойиллик уни бир неча бор умидсизлик чоҳига етаклайди, у ўз жонига қасд қилмоқчи ҳам бўлади. Хотинини ташлаб, Петербургга, гоҳ хорижга кетиб қоларди. Баронессага мактубида Антонина билан яшаб бўлмаслигини, ундан кўнгли совиб кетганини таъкидлайди. Бу ҳолатга ачинган баронесса уни Антонинадан ажратиб олишга имконият туғилаётганидан ич-ичидан қувонади. Зудлик билан Чайковскийга мактуб йўллаб, унинг хўрланишига чидай олмаслигини, ўз уйидан жой беришга тайёрлигини маълум қилади. Баронесса қандай йўл билан бўлса ҳам Чайковскийни ўзига қаратиб олишга уринади. Ўғли Николайга композиторнинг жияни Анна Давидовани олиб беради. Бу тўйга баронесса келмайди. Чунки тўйда Чайковский иштирок этишини билган хонимнинг унга рўбарў келишга юраги бетламасди.

Йиллар ўтиб Чайковскийнинг шуҳрати ортиб, моддий аҳволи ҳам яхшиланади. Надежда эса ундан бор бисотини аямайди. Бир кун баронессанинг фарзандлари онасининг бундай хатти-ҳаракатидан норози бўлиб, ўзларига тегишли меросни Чайковскийга бермаслигини айтишади. Шунда 59 ёшли баронесса композиторга сўнгги бор мактуб йўллаб, иқтисодий аҳволи ёмонлашгани боис, бошқа ёрдам беролмаслигини билдиради. Чайковский эса, баронесса билан ёзишмалари тўхтаганидан қаттиқ куюнади...

Кутилмаганда Надеждага Чайковскийнинг тўсатдан вафот этгани, буюк композитор жон бераётиб баронессанинг исмини тилга олгани ҳақидаги нохуш хабар етиб келади. Шундан сўнг Надеждага ҳаётнинг қизиғи қолмайди. Орадан уч ой ўтиб, у ҳам бу оламни тарк этади.

Уларнинг пок муҳаббати, қалб туғёнлари бетакрор мусиқаларда, мактубларда мангуликка муҳрланиб қолган.

**Хорижий матбуот материаллари асосида Зафар ЁҚУБОВ тайёрлади**

*Mutolaa*

# ҲУҚУҚ ВА БУРЧ УЙҒУНЛИГИ

**Ҳар бир янги нашр ўз мухлисларини топгунига қадар муайян вақт талаб этилиши табиий. Эндигина 2-сони нашрдан чиққан «Ҳуқуқ ва бурч» ижтимоий-ҳуқуқий журнали эса мазмунан ғоят долзарблиги, материаллари ранг-баранглиги ва юксак дид ила бадиий безатилиши, чоп этилиш сифати билан тезда оммалашиб кетди.**

Журналнинг илк саҳифаларидаёқ мундарижадан ташқари суратли анонс шаклида берилган **«Юридик таълим: сифат ва самарадорлик»**, **«Тадбиркорлар манфаати ҳимояси – долзарб вазифа»**, **«Демократия тақдири»**, **«Табиат муҳофаза талаб этади»**, **«Қонунийлик ва назорат»** каби мавзулар эътиборингизни тортади.




Жамиятда ҳуқуқий маданият қанчалик юксак бўлса, бу – ўзликни шу қадар теранроқ англашга хизмат қилади. Бугунги авлод аввало сайловларга, сўнг ўзлари сайлаган депутатлар фаолиятига жиддий эътибор билан қараётганлари сир эмас. Парламент ва депутатлар фаолиятини атрофлича тушуниш учун айнан шу мавзуда кўпроқ мақолалар ёритилиши мақсадга мувофиқдир. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Эркин Халиловнинг **«Миллий парламентаризм: тажриба ва истиқбол»** сарлавҳали мақоласида (давоми, боши ўтган сонда берилган) Ўзбекистонда қонун чиқарувчи ҳокимият – Олий Мажлис тараққиётининг янги босқичи, истиқболлари ҳамда бу борадаги илғор тажрибалар хусусида таҳлилий фикрлар кенг ёритилган.

Сайлов, парламент ва қонунчилик мавзулари янги нашрда етакчи ўринни эгаллайди. Чунончи, юридик фанлари доктори, сенатор Мавжуда Ражабованинг **«Фуқаролар йиғинлари сайлови – демократия тантанаси»**, Республика Олий суди судьяси Арслон Усмоновнинг **«Одил судлов»**, юридик фанлари доктори Мирзаюсуф Рустамбоевнинг **«Ислоҳот ва қонун уйғунлиги»**, филология фанлари номзоди Султонмурод Олимнинг **«Демократия тақдири»**, Насриддин Исмоиловнинг **«Вояга етмаганлар ва маъмурий жавобгарлик»**, Олий Мажлис Сенатининг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси раиси Ғафур Алиевнинг **«Табиат муҳофаза талаб этади»**, Адлия вазирлиги Тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бошқармаси бошлиғи Давлатназар Матрасуловнинг **«Тадбиркорлик қонун ҳимоясида»**, юридик фанлари номзоди Дилбаҳор Ёқубованинг **«Ишонч ва кафолат»**, юридик фанлари номзоди Шариф Ражабовнинг **«Суиқасд: унинг учун белгиланган жиноий жавобгарлик муаммоси»**, Д.Ҳабибуллаевнинг **«Ошкоралик тамойили»**, тадқиқотчи Рустам Кенжаевнинг **«Ер муҳофазаси»**, Баҳодир Мирзараимовнинг **«Ҳуқуқий ахборот»** сарлавҳали мақолаларида ана шу соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотлар, ечимини топаётган муаммолар, қатор ибратли ишлар ҳақида сўз юритилади.

**«Ҳуқуқий саводхонлик сари»** рукни остида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти директори, юридик фанлари номзоди Фозилжон Отахоновнинг **«Юридик таълим: сифат ва самарадорлик»** сарлавҳали мақоласида бугунги кунда таълим тизимида амалга оширилаётган ижобий ўзгаришларга алоҳида урғу берилган. Айниқса, махсус юридик адабиётларни нашр қилиш йўлга қўйилгани, сўнгги 3 йилда 133 та дарслик ва 211 та ўқув қўлланма нашр этилгани, дарсликларнинг 59 фоизи, ўқув қўлланмаларнинг 51 фоизи Тошкент давлат юридик институти профессор-ўқитувчилари томонидан тайёрлангани эътиборга моликдир.

Замон талабига мос равишда дарсликлар ва ўқув қўлланмалар яратиш, албатта, ёш авлоднинг муносиб камолга етишига хизмат қилади. Ушбу мавзуга пайваста бўлган яна бир мақола – **«Шахс тарбияси ва комил инсон ғояси»** сарлавҳаси остида ёритилган. Миллатимиз маънавий илдизлари узоқ ўтмишларга бориб тақалади. Журнал муқовасида берилган буюк бобокалонимиз Соҳибқирон Амир Темур сиймоси муштарийлар эътиборини ўзига жалб этади. Ушбу суратли лавҳага монанд Ўзбекистон халқ ёзувчиси Пиримқул Қодировнинг **«Дунёни лол қолдирган сиймо»** сарлавҳали бадиаси ўқувчиларда илиқ таассурот қолдиради. Муаллиф таъкидлаганидек, **«Соҳибқироннинг бутун жаҳонни қойил қолдирган қудратли давлати ва улуғ зафарлари дунё миқёсида адолатни барқарор қилишга қаратилган эди. Бу оламшумул мавзуларни янгича ёндашувлар асосида ҳаққоний ёритиш ҳам бизнинг бурчимиз ва эзгу мақсадимиздир»**.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш жоизки, биз бу бебаҳо имкониятга юртимиз истиқлоли туфайлигина эришдик. Энди тарихан таркиб топган маънавий хазинамизни замонавий илму тафаккур ила равнақ топтириш ҳар биримизнинг бурчимиздир. «Ҳуқуқ ва бурч» журнали эса ана шундай эзгу ишларни амалга ошириш йўлида катта имконият, ўзига хос ижодий майдондир.

Журналнинг янги сонидан ўрин эгаллаган **«Сирли дунё»**, **«Тилак»**, **«Мўъжаз тадқиқот»**, **«Мулоқот»**, **«Менда таклиф бор»**, **«Фикр»** рукнлари остидаги ранг-баранг мавзулардаги материаллар ҳам муштарийлар диққатини ўзига тортади. Мухтасар қилиб айтганда, бу сермазмун нашрни мутолаа қилган ўқувчилар ҳуқуқларини пухтароқ билиб, жамият олдидаги бурчларини теранроқ англашларига шубҳа йўқ.

**Тўлқин ЭШБЕК,**
**Ўзбекистон Журналистлар ижодий уюшмаси аъзоси**



Табиат жозибаси

## ТАНЛОВГА ТАКЛИФ ЭТАМИЗ

***Тошкент вилояти адлия бошқармаси Ангрен шаҳаридаги 2-сонли давлат нотариал идораси нотариуси лавозими учун танлов эълон қилади. Танловда нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган олий юридик маълумотли Ўзбекистон Республикаси фуқаролари иштирок этишлари мумкин.***

Талабгорлар 2006 йил 15 августгача Тошкент вилояти адлия бошқармасига мурожаат қилишлари мумкин.

Танловда иштирок этиш истагини билдирган талабгорлар адлия бошқармасига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:

а) Малака комиссияси номига ариза;

б) Паспорт нусхаси;

в) Белгиланган шаклда тўлдирилган шахсий варақа;

г) Меҳнат дафтарчасининг нотариал тасдиқланган нусхаси;

д) Нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг нотариал тасдиқланган нусхаси;

е) Нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлиб, лекин 3 йил мобайнида нотариус давозимида иш бошламаган талабгорнинг қайта малака имтиҳонини топширганлиги ҳақида малака комиссиясининг қароридан кўчирма;

ж) Охирги иш жойидан берилган меҳнат фаолияти тўғрисидаги тавсифнома.

**Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, У.Носир кўчаси, 93-уй. Телефонлар: 363-51-03, 363-51-04.**

*Jinoyatchilik anatomiyasi*

# САРОБГА АЛДАНМАНГ!

***(Давоми. Боши учинчи бетда)***

Аввалига зўрлик ёки алдов йўли билан қўлингиздан паспортингизни олиб қўйишади. Сўнг таҳдид ва таҳқирлар билан ўзингиз хоҳламаган ишларни қилишга мажбурлашади. Ваъда қилинган енгил ишдан эса дарак йўқ. Табиийки, эътироз билдирасиз, ҳатто қайтишга қарор қиласиз. Аммо бу ҳақда ўйлашга эрта эмасмикан?! Ахир, ҳужжатларни расмийлаштириш ва чипта учун тўланган харажатларни ким қоплайди? Шундай экан, начора, ишлайсиз. Бироқ ишлаб топган маблағингиз доимий равишда қарзларингиз ҳисобига олиб қўйилаверади. Ниҳоят, энди қарзлардан қутулганингизда, яна бошқа ғавғолар — масалан, қарзларнинг фоизи борлиги ёки «хўжайин»ингиз сизни бошқага сотиб юборганлиги маълум бўлади. Ёхуд иш ҳақингизни тўлаш муддати келганда полиция маҳкамасига, ҳатто қамоқхонага тушиб қолишингиз ҳам мумкин.

Йигирма уч ёшли Дина исмли қизнинг ҳасратидан чанг чиқади:

— Чет давлатда ишлашим учун мени сайёҳлик визаси билан олиб чиқишган экан. У ерга етиб борганимдан кейин паспортимни олиб қўйишди, «ишлаш»га мажбурлашди. Уларнинг зулмидан қочиб, кимга мурожаат қилишимни билмай, узоқ вақт сарсон бўлиб юрдим. Оқибатда ўзим билмаган ҳолда «ноқонуний ишлаганлик»да айбланиб, қамоқ жазосига тортилдим...

Бунга ўхшаш мисолларни яна келтириш мумкин. Бироқ уларни жамлаб таҳлил қилганда шундай хулоса келиб чиқади: одам савдоси жинояти — қаллобликка асосланган қилмиш. Алдовга учиб мўмай даромад топиш орзуси эса саробнинг ўзгинаси.

## БИЛСАНГИЗ — ЮТҚАЗМАЙСИЗ

Бу жиноят жабрдийдаларининг асосий хатоси — улар мавжуд қонунларни билмайди ёки уларга амал қилмайди. Ваҳоланки, юртимиздан хорижга кетаётган кишининг ишга жойлашиши фақат Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги қошидаги Ташқи меҳнат миграцияси бўйича агентлик орқалигина амалга оширилиши мумкин.

Чет элга чиқиш учун албатта, виза талаб этилади. Уни фақатгина ИИБнинг хорижга чиқиш, кириш ва фуқаролик бўлимига мурожаат қилиб олиш мумкин.

Виза фақатгина ваколатли идора томонидан очилади (Ўзбекистон Республикасида сиз бормоқчи бўлган мамлакат элчихонасининг консуллик бўлими ёки Ўзбекистон фуқароларига мувофиқ хизматларни амалга оширишга ваколатланган мамлакат элчихонасининг консуллик бўлими).

Виза очиш жараёни бир неча ҳафта давом этиши мумкин. Шу боис, бир неча кунда виза очишни таклиф қилаётган кимсалар бўлса, уларга алданиб қолмаслик керак.

Виза сафар мақсадларига мос келиши зарур. Сайёҳлик визаси ишга жойлашиш ҳуқуқини бермайди. Бундай виза билан ишга жойлашиш ноқонуний ҳисобланади.

Виза шахснинг чет давлатда бўлиш даврини белгилайди. Виза муддати тугагандан сўнг мамлакат ҳудудида қолиш қонуний жазо кўрилишига сабаб бўлади.

Чет элга ноқонуний равишда жўнаётган шахслар, ҳеч қандай ҳуқуқларга ёки давлат ҳимоясига даъво қила олмайди. Хорижий мамлакатда ишга жойлашиш учун меҳнат шартномасига эга бўлиш лозим.

Дарвоқе, миллий қонунчилигимизда одам сотиш жинояти Жиноят кодексининг 135-моддасида таснифланган. Яъни ушбу моддага кўра, одамларни чет элга олиб бориб сотиш жиноятини содир этган шахслар беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум этилади. Бироқ аксарият ҳолларда жабрланувчилар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга ўз вақтида мурожаат қилмагани оқибатида бу турдаги жиноятчилар жиноий жазодан қутулиб қолишади.

Хулоса қилиб айтганда, бугун одам савдоси жинояти барчамиздан ҳушёрлик ва огоҳликни талаб этади. Зеро, ҳар бир инсон эмин-эркин яшашга ҳақли. Шу боис, ушбу жиноятчиликка барҳам бериш, унга қарши кураш олиб бориш нафақат ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларидан, балки кенг жамоатчиликдан ҳам фаоллик талаб этади.

**Фаррух БЎТАЕВ**


**ИНСОН ва ҚОНУН**

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

1996 йилнинг январидан нашр этилади

2003 йил 29 декабрда Ўзбекистон Матбуот ва Ахборот агентлигида 078-рақам билан рўйхатга олинган

Бош муҳаррир: Шодиқул ҲАМРОЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Бўритош МУСТАФОЕВ, Ихтиёр АБДУЛЛАЕВ, Пўлат САМАТОВ, Мавжуда РАЖАБОВА, Хуршид СОДИҚОВ, Абдукамол РАҲМОНОВ, Маҳмуд САТТОРОВ, Ислом ҲАМРО, Нормейли НОРПЎЛАТОВ

Таҳририятга юборилган қўлёзмалар эгаларига қайтарилмайди ва уларга ёзма жавоб берилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

Факт ва далиллар тўғрилиги учун масъулият муаллифлар зиммасидадир.

Навбатчи: Бобомурод РАЙИМОВ

Саҳифаловчи-дизайнер: Фарҳод ХЎЖАНАЗАРОВ

**Индекс: 646882**

«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-1015. Тиражи — 7500. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди —

МАНЗИЛИМИЗ: 700047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5. Тел: 133-70-65, 133-84-50

1 2 3 4 5